

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

174 **Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2574

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 255-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазир

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 10 март,
56-сон

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2014 йил 10 мартдаги 56-сон буйруғига
ИЛОВА

Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бонитировка — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаш;

насли маҳсулот (материал) — наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва эмбрионлари, наслдор тухум, ипак қурти уруғи;

наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) — селекция мақсадида наслдор ҳайвонларни урчиштириш, насли маҳсулот (материал) етиштириш ва ундан фойдаланиш бўйича махсус билимга эга бўлган мутахассис;

наслчилик субъектлари — наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат-синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар — насли маҳсулот эгалари;

класс — қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини баҳолаш натижаси билан белгиланадиган тоифа;

лактация даври — қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг сут бериш даври;

сервис даври — қишлоқ хўжалиги ҳайвони тукқан даврдан тўлиқ қочган давргача бўлган муддат;

экстерьер — ҳайвоннинг ташқи тана тузилиши.

2. Бонитировка қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг насл ва маҳсулдорлик сифатларини баҳолаб, улардан келгусида наслчилик ишларида фойдаланиш мақсадида ўтказилади.

3. Насли маҳсулот (материал) бонитировкаси наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) томонидан ўтказилади. Агар наслчилик субъектида наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) бўлмаса, ушбу мутахассис шартнома асосида четдан жалб қилиниши мумкин.

4. Наслчилик субъектларидаги насли маҳсулотлар (материаллар) ҳар йили бонитировкадан ўтказилади. Бунда ўтган йилнинг 1 октябрь кунидан жорий йилнинг 30 сентябрь кунигача бўлган вақт бонитировка ўтказиш даври ҳисобланади.

Наслчилик субъекти ўз ихтиёрига асосан насли маҳсулот (материал) бонитировкасини мазкур Низомда белгиланган тартибда бир йил давомида такроран ўтказишга ҳақли.

5. Насли маҳсулот (материал) бонитировкаси ҳар бир наслдор ҳайвон туги бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади.

2-боб. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. Наслчилик субъектлари томонидан ҳар йили келгуси йил учун насли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режаси ишлаб чи-

қилиши лозим. Бунда четдан жалб қилинадиган мутахассис насли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режаси билан олдиндан таништирилиши керак.

7. Наслчилик субъектларининг мурожаатига асосан, ҳудудий чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари насли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режасини ишлаб чиқишда ва четдан мутахассис жалб қилишда наслчилик субъектларига кўмаклашадилар.

8. Наслчилик субъектлари насли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш учун зарур ахборотга, хусусан, наслдор ҳайвоннинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва бошқа сифатларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари, шунингдек наслчилик соҳасидаги янгиликларни мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб боришлари керак.

3-боб. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш

9. Бонитировка ўтказишда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг экстеръери, гавда тузилиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, келиб чиқиши, авлод-аждодларининг насл ва маҳсулдорлик сифатлари каби белгилари баҳоланади.

10. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишда наслнинг генетик келиб чиқиши (генотипи) ҳисобга олинади.

11. Наслчилик субъекти раҳбари насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаши зарур.

12. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишда наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) қуйидагилар учун масъул ҳисобланади:

бонитировка ишларининг аниқ, тўлиқ ва сифатли ўтказиш;

насли маҳсулот (материал) классларини аниқлаш ва уларни гуруҳларга ажратиш;

бонитировка натижаси бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

бонитировка натижаси бўйича тайёрланган ҳужжатларни наслчилик субъекти раҳбарига топшириш.

13. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишда қорамоллар мазкур Низомнинг 1 — 12-иловаларида, қўйлар 13 — 21-иловаларида, эчкилар 22 — 24-иловаларида, отлар 25 — 36а-иловаларида, паррандалар 37 — 46-иловаларида, асаларилар 47 — 49-иловаларида, қуёнлар 50 — 57-иловаларида, балиқлар 58 — 61-иловаларида, ипак қуртлари 62 — 66-иловаларида белгиланган шартлар бўйича баҳоланади.

14. Мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тutilмаган насли маҳсулот (материал) бонитировкаси тегишли насли маҳсулот (материал) зотига қўйилган минимал талаблар асосида ўтказилади.

15. Насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар наслчилик субъекти томонидан молиялаштирилади.

16. Наслчилик субъектида ўтказилган насли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш якуни бўйича маълумотнома тузилади.

17. Насли маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномадан селекция-наслчилик ишларида фойдаланилади.

4-боб. Якуний қоида

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Насли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Зотлар бўйича сут йўналишидаги сигирларни баҳолашда ҳисобга олинadиган минимал КЎРСАТКИЧЛАР

(I, II, III ва ундан кейинги лактация даврлари бўйича ҳисобланади)

Зоти	305 кунлик лактация даврида соғилган сут, кг			Сут таркибидаги ёғ ва оқсил, %		305 кунлик лактация даврида соғилган сут таркибидаги ёғ миқдори, кг			305 кунлик лактация даврида соғилган сут оқсил миқдори, кг		
	I	II	III ва ундан ортиқ	ёғ	оқсил	I	II	III ва ундан ортиқ	I	II	III ва ундан ортиқ
Қора-ола	3500	3800	4200	3,6	3,2	126	137	151	112	121	134
Голштин	4100	4500	5000	3,6	3,2	147	162	180	131	144	160
Қизил чўл	3100	3500	3800	3,7	3,3	115	130	141	102	115	125
Швиц	3000	3300	3500	3,8	3,4	114	125	133	102	112	119
Бушуев	2700	2900	3100	4,0	3,5	108	116	124	95	101	108

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Буқача ва наслли буқаларни экстеръери бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори балл	Умумий баҳолашдаги улуши
1.	Умумий кўриниши (ривожланиши)	100	0,25
	Тана тузилиши гармоник, мутаносиб		
	Зот типига хос яхши кўринишга ва жинсий диморфизмга эга		
	Туриши тетик, танасининг барча қисмлари нуқсонсиз		
	Суяклари мустаҳкам, дағал эмас, боши ва оёқлари енгил		
	Сон ва яғринида ортиқча гўшт қоплами йўқ		
2.	Танасининг ҳажми	100	0,20
	Баландлиги етарлича		
	Танасининг ўрта қисми чуқур ва узун, аммо кенг эмас, қовурғалари узун, улар эгри ҳолатда пастга ва орқага йўналган, кураги узун эгри ҳолатда, пастга ва олдинга йўналган		
3.	Сут белгилари	100	0,20
	Танаси бурчаксимон, бўшлиқ ва дағаллик белгилари йўқ		
	Боши қуруқ, кўзлари чақнаган ва қулоқлари ҳаракатчан		
	Бўйни старлича узунликда, ўртача ёлларга эга ва овқатни ошқозонга ўтиш йўли аниқ кўринади		
	Яғрини яхши ифодаланган, кенг эмас		
	Орқа қисми текис		
	Қовурғалари кенг ва кенг жойлашган		
	Кураги кўкрак қафасига зич бириккан		
	Оч биқини чуқур, аниқ ифодаланган		
	Териси юпқа, майин, серҳаракат		
	Жун қоплами майин ва силлиқ		
4.	Танасининг орқа қисми	100	0,15
	Бели текис, тор ва кенг		
	Сағри узун, кенг, бироз орқага эгилган		
	Тос-сон бирикмалари, орқа дўнг суяк эни баландлиги даражасидан бироз пастда, лекин ўтиргич тепалигидан юқорида жойлашган		
	Думи узун ва ингичка, унинг илдизи орқа дўнг суяк эни даражасида жойлашган		

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори балл	Умумий баҳолашдаги улуши
	Уруғдонлари яхши ривожланган		
5.	Оёқларининг сифати	100	0,20
	Оёқлари мустаҳкам, ингичка ва дағал эмас		
	Сакраш бўғинлари яхши ифодаланган, қуруқ		
	Туёқларнинг олдинги деворлари 45° бурчакда эгилган, олд деворлари баланд, товони текис		
	Жами:	100	1,00

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Зотлар бўйича ёш буқачалар ва наслдор буқаларнинг
тирик вазнини баҳолашда ҳисобга олинган минимал
КЎРСАТКИЧЛАР**
(ёши бўйича ҳисобланади)

Зоти	Тирик вазни (кг)												
	10 ой	11 ой	12 ой	13 ой	14 ой	15 ой	16 ой	17 ой	18 ой	24 ой	3 ёш	4 ёш	5 ва ундан юқори ёш
Қора-ола	280	305	330	355	380	405	430	455	480	575	730	820	880
Голштин	290	315	340	365	390	415	440	465	490	585	750	840	900
Қизил чўл	260	280	300	325	350	375	400	425	445	525	650	730	800
Швиц	290	315	340	365	390	415	440	465	490	585	740	830	900
Бушув	225	245	260	280	300	320	335	355	375	450	610	670	750

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Сигирларни эктеръери бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори баҳо (балл)	Умумий баҳодаги салмоғи
1.	Танасининг ҳажми	100	0,10
	Танасининг ўрта қисми сигирнинг баландлигига нисбатан узунроқ, унинг ҳажми, мустаҳкамлиги ва кучи кўзга ташланади		
	Кураги узун ва чуқур, кўкрак қафаси ва яғринга нисбатан текис жойлашган		

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори баҳо (балл)	Умумий баҳодаги салмоғи
	Кўкрак қафаси чуқур ва кенг, унинг олдинги қовурғалари бўртиб чиққан		
	Кўкрак асоси кенг ва оёқларига нисбатан етарли масофада		
	Кўкрак ҳажми катта ва тўлиқ		
	Орқа қисми кучли ва тўғри		
	Бели кенг ва текис		
	Ўрта қисми бочкасимон шаклда		
	Қовурғалари узун, чуқур ва кенг		
	Сағри узун ва кенг		
	Орқа дўнг суяклари кенг ва яққол ифодаланган		
	Ўтиргич суяклари ва дўнги кенг жойлашган		
	Тос-сон бирикмалари орқа дўнг суяк эни ва ўтиргич дўнги марказидан баланд ва кенг жойлашган		
2.	Сут типининг ифодаланганлиги	100	0,15
	Танасининг шакли бурчаксимон, унда бўшлиқ ва дағаллик белгилари йўқ		
	Боши қуруқ, кўзлари катта ва чақнаган, қулоқлари серҳаракат		
	Бўйни узун ва ингичка		
	Яғрини яхши ифодаланган		
	Умуртқалари қуруқ ва яққол ифодаланган		
	Қовурғалари қайишган, ясси, узун, эгилган ва кенг жойлашган		
	Оч биқини чуқур ва аниқ ифодаланган		
	Орқа дўнг суяк эни ва ўтиргич дўнги кенг жойлашган, қуруқ		
	Орқа сонлари бирмунча кенг қўйилган ва бирикишида елин учун етарли бўшлиқ мавжуд		
	Оёқ суяклари текис, мустаҳкам, дағал эмас		
	Елини ҳажмдор, косасимон шаклда, танага мустаҳкам жойлашган, соғилгандан кейин яхши бўшаб қолади		
	Териси бўш, майин, серҳаракат		
	Жун қоплами майин, ялтироқ		
3.	Оёқларининг сифати	100	0,15
	Туёқлари қисқа, думалоқсимон, уларнинг орқа девори чуқур, товони текис, бақайлари кучли, ўртгача узунликда		
	Олдинги оёқлари тўғри ва кенг жойлашган, туёқлари тик		
	Орқа оёқлари перпендикуляр шаклда, ёнидан қаралганда сакраш бўғинигача тўғри қўйилган ва орқасидан қаралганда кенг жойлашган		

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори баҳо (балл)	Умумий баҳодаги салмоғи
	Сакраш бўғинлари аниқ ифодаланган, яхши шаклда, дағал эмас, қуруқ. Суяклари текис, кучли, мустаҳкам, пайлари яхши сезилади		
4.	Елинининг сифати	100	0,40
	Елини симметрик, узун, кенг ва чуқур, ён томонидан қисмларга ажралганлиги кўзга ташланади, танасига нисбатан горизонтал ҳолатда жойлашган		
	Елинининг марказий қисми танаси билан яхши боғланган, кучли ривожланган, елин сакраш бўғимларидан юқорида қулай жойлашган		
	Елин тузилиши юмшоқ, эластик, соғиб бўлингандан кейин дарров бўш ҳолатга келади		
	Елинининг олдинги қисмлари мустаҳкам, узун, кенг ва танага текис жойлашган		
	Елинининг орқа қисмлари танага зич бириккан, улар чуқур ва кенг, сакраш бўғимларидан юқорида ва олдинги қисмлари билан бир хил даражада жойлашган		
	Сўрғичлар бир хил ўлчамда, ўртача узунликда ва диаметрда, цилиндрсимон шаклда, бир-биридан ўртача масофада жойлашган		
	Сут веналари узун, шохланган шаклда кўзга ташланади		
5.	Умумий кўриниши (<i>зот типига хослиги инобатга олинади</i>)	100	0,20
	Мускуллари яхши ривожланган, она молларга хос кучли		
	Бўйи баланд, оёқлари ўртача, танаси чўзиқ		
	Боши нисбатан қуруқ, танасига мутаносиб, бурун ойнаси кенг ва тешиклари йирик, жағлари мустаҳкам, кўзлари катта, пешонаси дўнг ва кенг, қулоқлари ўртача ва серҳаракат		
	Бўйни узун ва нисбатан ингичка, томоқлари ва кўкрак ости қисми яхши ифодаланган		
	Танасининг олдинги қисми — гавда тузилиши мустаҳкам ва сут маҳсулдорлик йўналишидаги зотларга хос		
	Яғрини яхши ифодаланган, ўткир кўринишда, умуртқа асоси курагига бириккан		
	Кураклари зич бириккан ва кўкрак қисмига бир текис жойлашган		
	Кўкраги чуқур ва кенг, умуртқалари аниқ ифодаланган		

Т/р	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юқори баҳо (балл)	Умумий баҳодаги салмоғи
	Қовурғалари кенг жойлашган, суяклари кенг, ясси, узун. Оч биқинидаги чуқурлик аниқ ифодаланган		
	Орқа қисми текис, бели кенг ва текис		
	Сағри узун, кенг ва текис		
	Орқа дўнг суяк эни кенг, кўзга яхши ташланади, бўртиб чиқмаган		
	Ўтирғич дўнги кенг, қуруқ, ёғ ва гўшт тўқималари тўпланмаган		
	Тос-сон бирикмалари орқа дўнг суяк эни марказида баланд ва кенг жойлашган. Сонлари кенг жойлашган ва улар елин учун етарли бўшлиқни таъминлайди		
	Думининг негизи орқа чизиғи билан бир хил даражада жойлашган, дағал эмас. Думи ингичка		
	Олдинги оёқлари ўртача узунликда, тик ҳолатда ва кенг қўйилган		
	Орқа оёқлари ён томонидан қаралганда перпендикуляр ва орқадан қаралганда тик ҳолатда кўринади		
	Сакраш бўғинлари аниқ ифодаланган, дағал эмас, қуруқ		
	Туёқчалари мустаҳкам, ўртача узунликда		
	Туёқлари қисқа ва думалоқсимон, уларнинг орқа девори баланд ва товони текис		
	Елини ҳажмдор, мустаҳкам бириккан, косасимон шаклда, сўрғичлар оралиғидаги масофа ўртача, тик жойлашган, елин соғилгандан кейин яхши бўшаб қолади		
	Териси эркин, юпқа ва ҳаракатчан. Жун қоплами майин, ялтироқ		
	Жами:	100	1,00

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Подани тўлдирувчи бузоқлар, ғунажинлар ва сигирларнинг
тирик вазини баҳолашда ҳисобга олинadиган минимал
КЎРСАТКИЧЛАР**

Зоти	Тирик вазни (кг)												
	10 ой	11 ой	12 ой	13 ой	14 ой	15 ой	16 ой	17 ой	18 ой	24 ой	1-туғиш	2-туғиш	3 ва кейинги туғиш
Қора-ола	250	270	290	310	330	345	360	375	390	440	490	530	560
Голштин	260	280	300	320	340	355	370	385	400	450	500	540	580
Қизил чўл	220	240	260	280	300	315	330	345	360	380	405	440	470
Швиц	235	245	270	290	310	325	345	365	380	405	425	455	480
Бушүев	190	200	215	225	240	255	270	285	300	360	380	420	450

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамол зотларининг
экстерьерини баҳолашда қайд этиладиган
нуқсон ва камчиликлар**

Умумий ривожланганлиги ва тана қисмлари	Камчиликлар
Умумий кўриниши	Етарли ривожланмаган, суяклари дағал ёки ўта ўсган, нозик, мускуллари бўш ёки бўш ривожланган, тана тузилиши номутаносиб ва зот типи талабларига жавоб бермайди
Боши ва бўйни	Боши танасига номутаносиб, оғир ёки ўта ўсган, сигирларда буқасимон ва буқаларда сигирларга хос кўринишда, бўйни тор, дағал, мускуллари ривожланмаган
Кўкраги	Тор, чуқур эмас, қовурғалари бир-бирига яқин жойлашган, қовурға суяклари тор ва қисқа, охириги қовурғасидаги тери қалин
Яғрини, орқа қисми ва бели	Яғрини ўткир ёки бўлинган, орқа қисми тор, қисқа, осилган ёки букри, бели тор ва осилган
Танасининг ўрта қисми, орқаси	Сигир ва наслдор буқаларда танасининг ўрта қисми яхши ривожланмаган, қисқа, осилган ва тор. Буқаларда қорни осилган
Оёқлари	Олдинги оёқлари пойча қисмига келганда, бир-бирига яқинлашган ёки ён томонга қочган, орқа оёқлари филоёқсимон, думалоқ, «Х» симон ёки қиличсимон шаклни эслатади

Умумий ривожланганлиги ва тана қисмлари	Камчиликлар
Туёқлари	Тор, ясси, туёқ шохлари бўш

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Подани тўлдирувчи бузоқ ва ғунажинларни
экстеръери бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Умумий ривожланганлиги ва тана қисмлари	Белгилари	Балл
Умумий кўриниши	Умумий кўриниши ва ривожланганлиги зот типини яхши ифодалаган. Танасининг барча қисмларида нуқсон ва камчиликлар кузатилмайди, суяклари мустаҳкам, дағал эмас. Боши ва оёқлари енгил. Сонлари ва яғринида ортиқча гўшт қоплами йўқ	3 балл
Боши ва бўйни, кўкраги, яғрини, орқаси, бели, танасининг ўрта қисми, орқа қисми	Боши қуруқ, бўйни етарли узунликда, кўкраги чуқур, кенг эмас. Яғрини кенг эмас ва кўзга яхши ташланади. Орқаси текис. Қовурғалари кенг ва кенг жойлашган. Кураги кўкрак қафасига зич бириккан. Бели текис, қисқа ва кенг. Сағриси узун ва кенг. Тос-сон бирикмалари орқа дўнг суяк оралигидан бир оз пастда жойлашган. Думи узун ва ингичка. Териси юпқа, эластик, серҳаркат. Жун қоплами ингичка ва текис	4 балл
Оёқлари ва туёқлари	Оёқлари мустаҳкам, ингичка ва дағал эмас. Пойчаси тик. Орқа оёқлари сакраш бўғинида ўртача бурчакда букилган. Сакраш бўғинлари қуруқ ва кўзга яхши ташланади. Туёқларнинг олдинги девори ер сатҳига 45 ⁰ бурчакда эгилган, орқа девори баланд, товони текис	3 балл
Жами:		10 балл

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Қорамолларнинг тана тузилиши бўйича
классификациясини аниқлаш
ЖАДВАЛИ**

Тана тузилиши	Баллар	Белгиланиши	
		рус тилида	инглиз тилида
Ўта аъло	90 — 100 балл	П	EX
Аъло	85 — 89 балл	5	VG
Ижобий яхши	80 — 84 балл	4+	GP
Яхши	75 — 79 балл	4	G
Қониқарли	65 — 74 балл	3	F
Ёмон	50 — 64 балл	2	P

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Ёш буқачалар ва синовдаги наслдор буқаларни баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Белгилар	Баллар
1.	Экстеръери, жами	30
	Ўта аъло (90 ва ундан юқори балл)	30
	Аъло (85 — 89 балл)	25
	Ижобий яхши (80 — 84 балл)	20
	Яхши (75 — 79 балл)	15
	Қониқарли (65 — 74 балл)	10
2.	Тирик вазни, жами	10
	Минимал кўрсаткичга мувофиқ	10
	Минимал кўрсаткичнинг 95 — 99% ини ташкил этади	5
3.	Наслдор буқа онасининг насл қиймати, жами	20
	Онасининг лактация давридаги энг юқори сут маҳсулдорлиги, жами	20
	Сут маҳсулдорлиги минимал кўрсаткичлардан 150% дан бошлаб юқори бўлганда, ҳар 10% га 1 баллдан, лекин 10 баллдан кўп бўлмаган балл берилади	10

Т/р	Белгилар	Баллар
	Сутдаги ёғ миқдори минимал кўрсаткичлардан ҳар 0,1% ортганда, 1 баллдан, лекин жами 4 баллдан кўп бўлмаган балл берилади	4
	Сутдаги оқсил минимал кўрсаткичлардан ҳар 0,05% ортиб борганда, 1 баллдан, лекин 6 баллдан кўп бўлмаган балл берилади	6
4.	Наслдор буқа отасининг насл қиймати, жами	40
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 20% наслдор буқалар сафига киради	40
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 40% наслдор буқалар сафига киради	30
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 60% наслдор буқалар сафига киради	20
	Наслдор буқанинг отаси элита-рекорд, элита классси ёки авлодларининг насл сифати бўйича баҳолашга қўйилган	10
	Жами:	100

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Наслдор буқаларни авлодларининг насл сифати
бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Белгилари	Балл
1.	Қизларининг экстерьер, жами	30
	Ўта аъло (90 ва ундан юқори балл)	30
	Аъло (85 — 89 балл)	25
	Ижобий яхши (80 — 84 балл)	20
	Яхши (75 — 79 балл)	15
	Қониқарли (65 — 74 балл)	10
2.	Наслдор буқанинг насл қиймати	70
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 20% наслдор буқалар сафига киради	70
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 40% наслдор буқалар сафига киради	60

Т/р	Белгилари	Балл
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 60% наслдор буқалар сафига киради	50
	Буқа авлодларининг сутидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича баҳоланган энг яхши наслдор буқалар сафига кирмайди	0
	Жами:	100

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

**Сигирларни комплекс баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Белгилар	Баллар
1.	Энг яхши лактация давридаги сут маҳсулдорлиги, жами <i>(зот бўйича минимал кўрсаткичларга нисбатан фоизда)</i>	70
	60 — 69%	27
	70 — 79%	30
	80 — 89%	33
	90 — 99%	36
	100 — 109%	39
	110 — 119%	42
	120 — 129%	45
	130 — 139%	48
	140 — 149%	51
	150 — 159%	54
	160 — 169%	57
	170% ва ундан юқори	60
	Сут таркибидаги ёғнинг минимал кўрсаткичлардан ҳар 0,01% ошиши учун 1 баллдан, лекин 4 баллдан кўп бўлмаган балл берилади	4
Сут таркибидаги оқсилнинг минимал кўрсаткичлардан ҳар 0,05% ошиши учун 1 баллдан, лекин 6 баллдан кўп бўлмаган балл берилади	6	
2.	Экстеръери, жами	15
	Ўта аъло (90 ва ундан юқори балл)	15
	Аъло (85 — 89 балл)	12
	Ижобий яхши (80 — 84 балл)	9
	Яхши (75 — 79 балл)	6
	Қониқарли (65 — 74 балл)	3

Т/р	Белгилар	Баллар
3.	Тирик вазн, жами <i>(зот бўйича минимал кўрсаткичларга нисбатан фоизда)</i>	5
	100% ва ундан юқори	5
	95 — 99%	3
4.	Сервис-даврининг давомийлиги, жами <i>(кун)</i>	5
	90 кунгача	5
	91 — 100 кун	4
	101 — 110 кун	3
	111 — 120 кун	2
	121 ва ундан ортиқ кун	1
5.	Туғишлар сони бўйича фойдаланиш давомийлиги, жами	5
	2	1
	3	2
	4	3
	5	4
	6 ва ундан юқори	5
Жами:		100

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**Подани тўлдирувчи бузоқ ва ғунажинларни
комплекс баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Белгилар	Баллар
1.	Подани тўлдирувчи бузоқ ва ғунажин онасининг насл қиймати, жами	20
	элита-рекорд	20
	элита	15
	I класс	10
	II класс	5
2.	Подани тўлдирувчи бузоқ ва ғунажин отасининг насл қиймати, жами	40
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 20% наслдор буқалар сафига киради	40
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 40% наслдор буқалар сафига киради	30

Т/р	Белгилар	Баллар
	Наслдор буқанинг отаси авлодларининг сути таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори бўйича энг яхши 60% наслдор буқалар сафига киради	20
	Наслдор буқанинг отаси элита-рекорд, элита класси ёки авлодларининг насл сифати бўйича баҳолашга қўйилган	10
3.	Экстерьер ва тана тузилиши:	10
	Умумий кўриниши ва ривожланганлиги	3
	Боши ва бўйни, кўкраги, яғрини, орқаси, бели, танасининг ўрта қисми	4
	Оёқлари ва туёқлари	3
4.	Тирик вазни, жами	30
	Минимал кўрсаткичларга нисбатан 105% ва ундан юқори	30
	Минимал кўрсаткичларга нисбатан 100 — 104%	25
	Минимал кўрсаткичларга нисбатан 95 — 99%	20
	Минимал кўрсаткичларга нисбатан 95% дан кам	15
	Жами:	100

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

**Жайдари қўйларни баҳолашда ҳисобга олинадиган
минимал кўрсаткичлар, кг**

Класс	Катта ёшдаги қўйлар				1,5 ёшдаги қўзилар			
	кўчқор		совлиқ		эркак		ургочи	
	тирик вазни	йиллик жун қирқими	тирик вазни	йиллик жун қирқими	тирик вазни	йиллик жун қирқими	тирик вазни	йиллик жун қирқими
Элита	80	3,0	60	2,5	55	1,7	45	1,5
I класс	75	2,5	50	2,0	50	1,5	45	1,2
II класс	65	2,0	50	1,8	45	1,3	40	1,0

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

**Хисори зотли қўйларнинг тирик вазнини баҳолашда
ҳисобга олинadиган минимал кўрсаткичлар, кг**

Класс	Катта ёшдаги қўйлар		1,5 ёшдаги қўзилар	
	қўчқор	совлиқ	эркак	урғочи
Элита	120	70	75	65
I класс	100	65	70	60
II класс	90	6	65	55













Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

**Саража зотли қўйларнинг тирик вазнини баҳолашда
ҳисобга олинadиган минимал кўрсаткичлар, кг**

Класс	Урғочи		Эркак			
	1,5 ёш	2,5 ёш	1,5 ёш	2,5 ёш	3,5 ёш	4,5 ёш ва ундан катта
Элита	65	70	75	100	100	120
I класс	60	65	70	90	95	100
II класс	55	60	65	85	90	90
III класс	50	55	-	-	-	-














Наслли махсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

**Қора рангли қоракўл кўзиларга эн солиш
ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	Гул ўлчамлари		
		майда	ўрта	катта
Ярим доира қалами гул тип и	элита			
	I			
Қовурғасимон қалами гул тип и	элита			
	I			
Ясси қалами гул тип и	элита			
	I			
Барча турдаги гул тип лари	II			
Селекцияга яроқсиз				

Наслли маҳсулот (материал)
 бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
 шартлари тўғрисидаги низомга
 17-ИЛОВА

**Кўк рангли кўзиларга эн солиш
 ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	Ранги (туси)		
		оч кўк	ўрта кўк	тўқ кўк
Ярим доира қалами гул типи	элита	ҳаворанг 		
		қумушсимон 		
	I		ҳаворанг 	
		қумушсимон 		
Қовурғасимон қалами гул типи	I			
Барча турдаги гул типлари	II			
Селекцияга яроқсиз				























Наслли махсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
18-ИЛОВА

**Бухоро сур рангли қоракўл қўзиларга эн солиш
ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	Ранги (гуси)		
		олтин	олмос	кумуш
Ярим доира қалами гул типи	элита			
	I			
Қовурғасимон қалами гул типи	элита			
	I			
Ясси қалами гул типи	элита			
	I			
Барча турдаги гул типлари	II			
Селекцияга яроқсиз				









Наслли махсулот (материал)
 бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
 шартлари тўғрисидаги низомга
 19-ИЛОВА

**Қорақалпоқ ва Сурхондарё зот типларидаги
 сур қорақўл қўзиларга эн солиш
 ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	ранги (туси)		
		пўлат ва платинасимон	ўрикгул ва қаҳрабосимон	шамчиноқ гул ва бронзасимон
Ярим доира қалами гул тип	Элита			
	I			
Қовурғасимон қалами гул тип	Элита			
	I			
Ясси қалами гул тип	Элита			
	I			
Барча турдаги гул типлари	II			
Селекцияга яроқсиз				

Наслли махсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
20-ИЛОВА

**Гулигаз, зармалла ва қамбар кўзиларга эн солиш
ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	ранги (туси)		
		оч кулранг	ўрта кулранг	тўқ кулранг
Бўлинмайди	Элита			
	I			
	II			
Селекцияга яроқсиз				

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
21-ИЛОВА

**Оқ қоракўл кўзиларга эн солиш
ТАСВИРИ**

Гул типлари	Класс	Гул ўлчамлари		
		майда	ўрта	катта
Ярим доира қалами гул типи	Элита			
	I			
Қовурғасимон ва ясси қалами гул типлари	Элита			
	I			
Барча турдаги гул типлари	II			
Селекцияга яроқсиз				

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
22-ИЛОВА

**Жундор эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги ва сифатини
баҳолашда ҳисобга олинган минимал
КЎРСАТКИЧЛАР**

Жинси ва ёши	Жун қирқими, кг		Жун миқдори, %		Жунининг узунлиги, см	
	элита	I класс	элита	I класс	элита	I класс
Такалар	3,3	3,0	60	58	22	20
Она эчкилар	2,2	2,0	38	36	20	18
2 — 2,5 ёшли такалар	3,1	2,8	55	50	20	18
2 — 2,5 ёшли она эчкилар	2,2	2,0	34	32	20	18
1 — 1,5 ёшли эркак улоқлар	1,2	1,1	35	32	16	14
1 — 1,5 ёшли ургочи улоқлар	1,1	1,0	30	28	16	14

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
23-ИЛОВА

**Наслдор эчкилар жунининг ингичкалигини баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Ингичкалик класс	Қалинлиги, мкм
64	20,6 — 23,0
60	23,1 — 25,0
58	25,1 — 27,0
56	27,1 — 29,0
56/50	29,1 — 31,0
50	31,1 — 34,0
46	34,1 — 37,0
44	37,1 — 40,0
40	40,1 — 43,0

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
24-ИЛОВА

**Тивит берувчи эчкиларнинг жун маҳсулдорлиги ва
сифатини баҳолашда ҳисобга олинган минимал
КЎРСАТКИЧЛАР**

Жинси ва ёши	Тивит тарам, г		Жундаги тивит миқдори, %		Тивит узунлиги, см		Тивит қалинлиги, см (кўпи билан)	Тирик вазни, кг	
	элита	I класс	элита	I класс	элита	I класс		элита	I класс
Такалар	700	600	70	65	9,0	8,0	21	70	65
Она эчкилар	450	400	70	65	8,0	8,0	19	44	40
2 — 2,5 ёшли такалар	550	500	65	60	9,0	8,0	19	55	50
2 — 2,5 ёшли она эчкилар	400	350	60	60	8,0	8,0	18	40	36
1 — 1,5 ёшли эркак улоқлар	280	250	65	60	8,0	7,0	18	38	35
1 — 1,5 ёшли ургочи улоқлар	220	200	60	60	8,0	7,0	17	33	30

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
25-ИЛОВА

**Отларни келиб чиқиши бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Шажаранинг I — III қаторидаги элита классли аждодлар сони	Балл
14	9
12	8
10	7
8	6
6	5
4	4
2	3

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
26-ИЛОВА

**Отларни зотга хослиги бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Мақбул типи	Балл
Аъло	9-10
Яхши	7-8
Қониқарли	5-6
Етарли эмас	3-4
Ифодаланмаган	1-2

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
27-ИЛОВА

**Отларни экстеръери ва гавда тузилиши бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Тана қисмлари	Баҳолаш			Умумий баллар
	ёмон (0 балл)	қониқарли (1 балл)	яхши (2 балл)	
I — бош, бўйин, гавда				
Боши				
Бўйни				
Қарчигайи				
Кўкрак айланаси				
Кўкрак чуқурлиги				
Орқаси ва бели				
Сағриси				
Жами:				
II — оёқлар				
Олдинги оёғининг қўйилиши				
Олдинги оёғининг қафт ва бўғинлар тузилиши, бақайи				
Орқа оёғининг сакраш бўғини тузилиши ва қўйилиши				
Орқа оёғининг қафт ва бўғинлар тузилиши, бақайи				
Туёқлари				
Жами:				
III — тузилиши, мускуллар, пайлар, мижоз				
Тузилиши				
Мускуллари				
Пай ва бириктирувчи тўқималари				
Мижози ва мослашувчанлик сифати				
Жами:				
Жами:				

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
28-ИЛОВА

**Отларни иш қобилияти бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Синов натижалари	Балл
Тоза қонли салт минилувчи отлар бўйича:	
Пойгада қатнашди, лекин 1-ўринни олмади	2
Қатор пойгада бир марта 1-ўринни олди	3
Қатор пойгада икки ва ундан ортиқ маротаба 1-ўринни олди ёки биринчи гуруҳда ва «гуруҳдан ташқари» пойгада иштирок этди	4-5
Биринчи гуруҳда ва «гуруҳдан ташқари» пойгада ғолиб чиқди	6
<i>Қўшимча балл берилади:</i>	
3 ёшида пойгада қатнашди	0,5
4 ёшида пойгада қатнашди	1
Анъанавий совринли пойгада тўловли ўрин учун	0,5
Анъанавий совринли пойгада асосий соврин ютуғи учун	1
Халқаро совринли пойгада тўловли ўрин учун	1
Халқаро совринли пойгада 1-ўринни олганлиги учун	2
Зот рекордини ўрнатганлиги учун	1
Қорабайир зоти	
Машқ қилган, лекин пойгада қатнашмаган	4
Ипподромда пойгада қатнашган, лекин 1-ўринни олмади	5
Гуруҳ пойгасида 1-ўринни олди	6
Биринчи гуруҳда ва «гуруҳдан ташқари» пойгада 1-ўринни олди	7
<i>Қўшимча балл берилади:</i>	
Яккалик совринли пойгада 1-ўрин учун	1
Анъанавий совринли пойгада совринли ўрин учун	1
Анъанавий совринли пойгада ғалаба учун, рекорд ўрнатилганда	2
Ахалтекин ва араб тозақонли зотлари	
Машқ қилган, лекин пойгада қатнашмаган	3
Ипподромда пойгада қатнашган, лекин 1-ўринни олмади	4
Гуруҳ пойгасида 1-ўринни олди	5
Биринчи гуруҳда ва «гуруҳдан ташқари» пойгада қатнашди	6
Яккалик совринли пойгада 1-ўринни олди	7
<i>Қўшимча балл берилади:</i>	
3 ва 4 ёшида пойгада қатнашганлиги учун	1
Тўсиқли пойгаларда қатнашганлиги учун	1
Анъанавий совринли пойгада совринли ўрин учун	1
Анъанавий совринли пойгада ғалаба учун	2

Синов натижалари	Балл
Тўсиқли пойгаларда ғалаба учун	1
Стиль-чезда совринли ўрин учун	1
Стиль-чезда ғалаба учун	2
Завод синовларидан ўтган салт минилувчи отлар бўйича:	
6 балл қониқарли натижа кўрсатди	6
7 балл қониқарли натижа кўрсатди	7
8 балл яхши натижа кўрсатди	8
9-10 балл аъло натижа кўрсатди	9-10

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
29-ИЛОВА

**Тойларни ҳаракат сифати бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

(назорат масофа 25 м)

Кўрсаткичлар	Балл						Назорат вақти (сек)
	10	9	8	7	6	5	
Одим сони	25	26	27	28	29	30 ва ундан кўп	15
Йўргалашда одим	14	15	16	17	18	19 ва ундан кўп йўрга 5 балл	5
Ҳаракат услуби (бир маромдалилик, эгилувчанлик, тантанаворлик)						сақраб чопиш (елиш) 5 балл	
Жами балл (ҳар бир кўрсаткич бўйича олинган баҳоларни қўшиши ва 3 га бўлиши орқали аниқланади):							

Изоҳ: қуйидаги ҳолларда баҳо пасайтирилади:
назорат вақти нормасидан ошганлиги учун — 1 балл;
ҳаракатдаги яққол нуқсон учун — 1-2 балл;
йўргалаш ва одимда 2 та хато учун — 1 балл.

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
30-ИЛОВА

**Отларни тўсиқлардан сакраб ўтиши бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Тўсиқлар баландлиги, см	140	130	120	110	100
Балл	15	11	8	6	5

Изоҳ: қуйидаги ҳолларда баҳо пасайтирилади:
битта тўсиққа тегиб кетганлик ҳолати учун — 1 балл;
битта тўсиқни бузганлиги учун — 2 балл;
битта тўсиқдан сакрай олмаганлиги учун — 3 балл.

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
31-ИЛОВА

**Отларни от спортининг классик турлари — учкураш,
конкур ва аравада чопиш мусобақаларининг натижалари
бўйича баҳолаш жадвали, балл**

Мусобақа тури	Эгаллаган ўрни				
	1	2	3	4	5 ва ундан паст
Халқаро мусобақалар:					
Олий класс 170 см гача					
Кубок 2 гитага 160 см гача	10	9	8	7	6
Учкураш					
Катта соврин					
Республика миқёсидаги мусобақалар:					
Олий класс 160 см гача					
Кубок 2 гитага 150 см гача	9	8	7	6	4
Учкураш					
Катта соврин					
Учрашув ўйинлари, ҳудудий вилоят ва юқорида санаб ўтилган мусобақалар:					
Олий класс 150 см гача					
Қисқартирилган дастур бўйича учкураш					
Аралаш чопиш ва катта соврин (аравада чопиш)	8	7	6	5	4
Олий класс 120 — 140 см					

Мусобақа тури	Эгаллаган ўрни				
	1	2	3	4	5 ва ундан паст
Ёш отлар учун учкураш	7	6	5	4	3
Ўрта ва ўтиш соврини (аравада чопиш)					
Олий класс 110 — 130 см					
Катта отлар учун икки кураш	6	5	4	3	2
Кичик соврин (аравада чопиш)					
Олий класс 110 — 120 см					
Ёш отлар учун икки кураш	5	4	3	2	2
Бошлангич соврин					

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
32-ИЛОВА

**Отларни авлодларининг сифати бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

Авлодлари кўрсаткичлари	Сони
I. Наслчилик хўжалигининг айғир ва биялари бўйича:	
Элита, машҳур завод айғирлари ва биялари	9-10 та
Асосан элиталар	7-8 та
Асосан 1 класс	5-6 та
Асосан 2 класс	3-4 та
II. Айғирларни бияларда фойдаланиши бўйича:	
Асосан фойдаланиладиган кондицияда, шундан 75% мақбул типда, яхши иш қобилиятига эга ёки II классдан паст эмас	7-8 та
Асосан фойдаланиладиган кондицияда, шундан 50% мақбул типда, яхши иш қобилиятига эга ёки II классдан паст эмас	5-6 та
Асосан фойдаланиладиган кондицияда шундан 25% мақбул типда, яхши иш қобилиятига эга ёки II классдан паст эмас	3-4 та

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
33-ИЛОВА

**Қорабайир зотли отларнинг тана ўлчамларини
баҳолашда ҳисобга олинadиган минимал
кўрсаткичлар, см**

Айгир			Бия			Балл
қарчиғай баландлиги	кўкрак айланаси	пойча айланаси	қарчиғай баландлиги	кўкрак айланаси	пойча айланаси	
158	179	20,5	156	180	20,0	9
156	177	20,0	154	178	19,5	8
154	176	19,5	152	177	19,0	7
152	174	19,5	150	176	19,0	6
151	173	19,0	149	175	19,0	5
150	172	19,0	148	174	18,5	4-3

Изоҳ: кўрсатилган минимал кўрсаткичдан кўкрак айланасининг 5 см ва
ундан кўп, пойча айланасининг 0,5 см ва ундан кўп ортишида ҳар бир белги
учун 0,5 балл қўшилади.

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
33а-ИЛОВА

**Қорабайир зотли отларнинг ёшига асосан тана
ўлчамларини баҳолашда ҳисобга олинadиган минимал
кўрсаткичларга тузатишлар, см**

Ёши	Қарчиғай баландлиги	Кўкрак айланаси	Пойча айланаси
3,5	1	3	-
3,0	2	6	0,5
2,5	4	10	0,5
2,0	6	15	1,0
1,5	10	20	1,5

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
34-ИЛОВА

**Ахалтака зотли отларнинг тана ўлчамларини баҳолашда
ҳисобга олинган минимал кўрсаткичлар, см**

Айгир				Бия				Балл
қарчиғай балад- лиги	гавданинг қия узунлиги	қўкрак айланаси	пойча айланаси	қарчиғай балад- лиги	гавданинг қия узунлиги	қўкрак айланаси	пойча айланаси	
160	163	176	19,5	158	160	178	19,0	9
158	160	174	19,5	156	158	176	19,0	8
156	158	172	19,0	154	156	175	18,5	7
155	156	170	19,0	153	154	172	18,5	6
154	164	168	18,5	152	152	170	18,0	5
152	152	167	18,5	151	150	168	18,0	4
150	149	167	18,0	149	148	167	18,0	3

